Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи. билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 72 (21. 191) 1992 йил 10 апрель, жума ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН ИШЛАБ МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШАЙЛИК

⊙ Қарши. Бу ерда ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши нинг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Анжуманга шаҳар ва район ҳокимлари, вилоят ташкилотларининг ХДП аъзоси бўлган раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Пленумда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ф. О. Омонов «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми якунлари ва вилоят партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида маъруза қилди.

У вилоят партия ташкилотлари ва партия аппаратини шакллантириш билан боғлиқ амалга оширилган ишлар якунлари ҳақида гапираркан, пленум аъзолари диққат-эътиборини ташкилий даврда йўл қўйилган айрим нуқсонларга ҳам қаратди. Жумладан, аҳоли ўртасида сиёсий ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш талаб даражасида эмаслигини таъкидлади. Бундай нуқсонлар айниқса республика Президенти сайлови пайтида кўпроқ билиниб қолди.

Вилоятда ҳозир партия сафларида 34 минг аъзо бор. Шулардан 10 минг нафардан зиёди партия сафига янги кирган кишилар. Бироқ партия аъзолигига қабул ҳамма жойда ҳам дуруст боряпти, деб бўлмайди. Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Яккабоғ район партия ташкилотларида ўтган март ойида фақат 2-3 нафардан аъзо қабул қилинганлиги бу ерда партия сафларини кенгайтиришга жиддий ёндошилмаётганлигини кўрсатади. Партия аъзоларини ҳисобга олиш, улар билан якка тартибда ишлаш ҳам талаб даражасида эмас. Қарши шаҳар, Косон ва Нишон район партия ташкилотларида ана шундай нуқсонларга йўл қўйиляпти.

Партия ташкилотлари обрўсини оширишда кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда фаол қатнашиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Шаҳар ва районларда маҳаллий ҳокимият билан партия ташкилотлари ўртасида кадрларни раҳбарлик лавозимларига тайинлашда ҳамжиҳатлик бордек кўринса ҳам у фақат оғзаки фикрлашув тарзида амалга оширилмоқда. Шу ўринда бошланғич ташкилотларнинг айтадиган сўзи ва мавқеи сезилмаётир.

Кейинги пайтларда турли даражадаги хўжалик ва бошқа органларда ишлаётган софдил, камтар, ўз ишини яхши биладиган раҳбарларга нисбатан айрим нопок кишилар турли миш-мишларни тарқатмоқдалар. Бу билан улар ана шундай раҳбарларга нисбатан одамлар ўртасида норозилик туғдирмоқчи ва ўзларининг ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўлишяпти. Ғаламисларнинг бундай хатти-ҳаракатига кескин зарба бермоқ лозим.

Аҳоли билан яқиндан иш олиб боришда худудий бошланғич партия ташкилотларининг роли катта. Улар маҳаллаларга кириб борсалар, одамларнинг дардини эшитсалар, жойлардаги вазиятга тўғри баҳо берсалар, кишиларнинг талаб ва истаклари бажарилиши учун ўртада кўприк бўлсаларгина одамларга ўз таъсирларини ўтказа оладилар. Халқ ҳам уларнинг ортидан эргашади. Афсуски, баъзи районларда ҳудудий партия ташкилотлари тизимини вужудга келтириш жуда суст бораяпти. Партия кенгашлари жойларда ана шу хилдаги қуйи бўғинларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор бермаётирлар.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар пленум қатнашчилари эътиборини худди ана шу масалаларга қаратдилар. Қамаши район ҳокими Р. Бозоров шундай деди:

— Район партия ташкилоти 2700 нафар кишини бирлаштириб турибди. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган таъсирчан ва самарали иш партияга янги аъзолар қабул қилишда ўз аксини топмоқда. Масалан, март ойида 91 кишининг партияга қабул қилиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди. Ҳокимлик ва партия кенгаши ўзаро узвий алоқада иш олиб бормоқда. Партия ташкилотларининг иш ўрни асосан аҳоли яшайдиган жойларга кўчирилган. Қаерда байрам, тўй, маърака ва ҳар хил маросимлар ўтаётган бўлса партия етакчилари маҳалла қўмиталари раислари ва қишлоқ оқсоқоллари билан биргаликда шу ерда ҳозирнозирлар. Партия ташкилотлари ўз сўзини ўтказаётганидан, халқ унга қулоқ солаётганидан ҳурсандмиз.

— Ҳар қандай сиёсий ташкилотнинг мустаҳкам замини ёшлардир, — деди вилоят Ёшлар иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби М. Саидмуродова, — Ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳам шунга асосланган. Аммо биз ХДПнинг ёшлар тўғрисидаги сиёсати бўлишини истардик. Таклифим шуки, вилоят партия кенгаши котиблари ёшлар билан кўпроқ учрашиб, маслаҳатлашиб турсинлар. Савдо, аҳолига маиший хизмат ва транспорт тармоқларидаги нуқсонларга қарши партиявий кураш очиш жуда ҳам зарур.

Косон район партия кенгашининг биринчи котиби Э. Турсунқулов нарх-наво ошиб қийинчилик кучайган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари ва аъзолари ҳақиқий аҳволни аҳолига тўғри тушунтиришлари жуда ҳам зарурлигини таъкидлади.

Пленумда Қарши, Ульянов районлари, Қарши шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари М. Гелдиева, А. Жабборов, А. Очилов, «Қаршимонтаж» трести бригада бошлиғи Р. Рўзиев, «Таллимаржон ГРЕС қурилиш» бошқармаси бригадаси бошлиғи В. Южалкинлар ҳам сўзга чиқиб, партиявий ишлар самарадорлигини ошириш, аҳиллик ва бирдамлик билан меҳнат қилиш лозимлиги ҳақида тўхталдилар.

Пленумда вилоят ҳокими Т. П. Хидиров қатнашди ва нутқ сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашув якунларига тўхталди. Унда ҳокимларнинг ваколатлари, мустақиллик шароитида кадрлар сиёсати, нарх-наво ҳамда капитал қурилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигининг шу кунлардаги долзарб юмушлари тўғрисида батафсил фикр юритди.

Пленумда вилоят партия кенгаши билан вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг ҳамкорлик шартномасига доир масала ҳам кўриб чиқилди ва қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. И. Х. Козимов республика Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси Қашқадарё вилояти бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланганлиги муносабати билан вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби вазифасидан озод қилинди. Илгари Деҳқонобод район партия кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаган П. С. Бердиев ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов кеча «Шўртонгаз» газ конлари бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари билан суҳбатлашди, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишди. Меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялаш бўйича маъмурият ва партия ташкилоти олиб бораётган ишлар билан қизиқди. Шунингдек, у Ғузор ва Деҳқонобод районлари чорвадорларининг вакиллари билан учрашди. Сафар давомида Марказий Кенгаш биринчи котибига вилоят ҳокими Т. П. Хидиров ва ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. О. Омоновлар ҳамроҳлик қилдилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг иккинчи пленумидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ИЖОДИЙ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил ҳалол меҳнат қилганликлари, ўзбек санъати ва адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, жамоат турмушида фаол қатнашганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон халқ артисти»

Ҳаитова Олмахон — Ўзбекистон Давлат филармониясининг яккахон хонандаси

«Ўзбекистон халқ ўқитувчиси»

Шукуров Холмўмин — Сирдарё вилояти Илъич район халқ таълими бўлимининг мудири

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист»

Каримова Роза Машуровна — Ўзбекистон Телевидениеси адабий-мусиқий дастурлар бирлашмасининг режиссёри

Нурматов Мамажон — О. Ҳўжаев номли Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг артисти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Масафоев Эргаш — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги «Дийдор» театр-студиясининг бадиий раҳбари

Сайдуллаев Ҳабибулла — шоир, Наманган вилояти маданият бошқармасининг бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби»

Холдоров Олимжон — «Андижоннома» рўзномаси муҳарририяти бўлимининг мудири, Андижон шаҳри

ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин

Шарипов Тоштемир — Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси ҳузуридаги мусиқа тарғиботи бюросининг яккахон хонандаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 апрель.

Ўзбекистон ва жаҳон

ШВЕЦИЯ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов диёримизга ташриф буюрган Швеция фирмалари вакиллари делегациясини қабул қилди. Делегацияга Швециянинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрьян Бренер бошчилик қилмоқда.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида республикада кейинги вақтда ижтимоий-сиёсий соҳаларда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар тўғрисида, Швеция давлатининг Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганлиги, ана шу икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланганлиги ва унинг аҳамияти ҳақида, мазкур давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, бозор иқтисодиёти ва бошқа бир қатор масалалар тўғрисида гап борди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Тешабоев иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгашининг якунловчи ҳужжатларини тасдиқлаганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этиш юзасидан халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олганлиги муносабати билан жамият учун унча хавфли бўлмаган айрим ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат ва инсонпарварлик кўрсатиб, **қарор қиламан:**

1. Қуйидаги маҳкумлар озодликдан маҳрум этишдан иборат жазодан, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазодан озод қилинсин:

а) Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) оғир бўлмаган жиноятлар учун 3 йил муддатгача биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган балоғат ёшига етмаганлар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган балоғат ёшига етмаганлар;

в) эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган маҳкумлар (жиноят кодекси 208-моддасининг II ва III қисмлари бундан мустасно);

г) меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар, шунингдек, шартли равишда озод қилинганлар;

д) биринчи марта оғир бўлмаган жиноятни қасддан содир этган, суд жазони манзилгоҳ - колонияларда ўташни тайинлаган, белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлган маҳкумлар;

е) эҳтиётсизлиги оқибатида содир этган жиноятлари ва қасддан содир этган оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта интизомий батальонга юборишга ҳукм қилинган, белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб қўйган, шунингдек, ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлиги учун ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар;

ж) балоғат ёшига етмаган болаларга эга бўлган аёллар, (ҳомиладорлар); 60 ёшдан ошган маҳкумлар; I ва II гуриҳ ногиронлари; (ўта хавфли давлат жиноятларини ҳамда ушбу Фармоннинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинганлар ва жиноий жавобгарликка тортилганлар бундан мустаснодир).

2. Оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун ҳукм қилинган, жазо муддатининг қолган қисми олти ойдан камроқни ташкил этадиган шахслар озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қуйидаги шахсларнинг жазони ўташда қолган муддатининг ярми қисқартирилсин:

а) оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир қилган балоғат ёшига етмаганлар;

б) йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун (жиноят кодекси 208-моддасининг II қисми).

4. Қасддан қилинган жиноятлар учун, шунингдек, оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганларнинг жазони ўташда қолган муддатининг учдан бир қисми қисқартирилсин.

5. Қуйидаги тергов ишлари ва судлар кўриб чиқмаган ишларнинг ҳаммаси тўхтатилсин:

а) Фармон 1-моддасининг «А», «Б», «Ж» бандларида кўрсатиб ўтилган шахслар мазкур Фармон кучга киргунга қадар содир этилган жиноятлар тўғрисидаги;

б) ҳарбий хизматдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан.

6. Амнистия Фармоннинг 1, 3, 4, 5-моддаларида санаб ўтилган қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди:

а) ўта хавфли давлат жиноятлари содир этганлик, шунингдек, миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузганлик;

давлат сирини ошкор этганлик;

бандитизм;

аҳлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ишини издан чиқарувчи хатти-ҳаракатлар қилганлик;

контрабанда;

оммавий тартибсизликлар;

сохта пул ва қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаганлик ёки сотганлик учун жазога ҳукм қилинганлар ва жиноий жавобгарликка тортилганлар;

б) ўта хавфли ашаддий жиноятчилар деб топилганлар;

в) қасддан одам ўлдирганлик;

қасддан оғир тан жароҳати етказганлик;

милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилганлик;

номусга текканлик;

товламачилик қилганлик (рэкет);

фирибгарлик;

алоҳида катта миқдордаги давлат ёки жамоат мулкини талон-торож қилганлик;

алоҳида белгилари бўлган ҳолатда давлат, жамоат ёки шахсий мулкни ўғирлаганлик;

талончилик;

босқинчилик;

жиноятни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олганлик, пора берганлик ёки порахўрликда воситачилик қилганлик;

ашаддий, ўта ашаддий безорилик, шунингдек, республика Жиноят кодекси 100-моддасининг 2-қисмида 101, 111^1, 102^2, 209^2, 209^3 210^1, 216^2, 216^3, 216^4, 216^5 ва 216^6-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар ва жиноий жавобгарликка тортилганлар;

г) қасддан қилинган жиноятлар учун бир неча марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар, шунингдек, Фармон ушбу моддасининг «А» ва «В» бандларида кўрсатиб ўтилган жиноятлар учун илгари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар;

д) авф ёки амнистия тартибида илгари жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этганлар;

е) ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки таносил касалликларидан тўлиқ даволанмаганлар;

ж) жазони ўташ вақтида тартибни қасддан бузувчилар.

7. Мазкур Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, Ўзбекистон Республикасининг судлари ва унинг ҳудудида жойлашган ҳарбий трибуналлар ҳукм қилган, шунингдек, республиканинг тергов органлари жиноий жавобгарликка тортган шахсларгагина жорий қилинади ва олти ой давомида ижро этилиши лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жазодан озод қилинган ҳамда диспансер рўйхатидаги 1 ва 2-гуруҳ сил касалига чалинганларни белгиланган тартибда ҳисобга олишни ва махсус даволаш муассасаларига юборишни ташкил этсинлар.

9. Адлия вазирлиги ва ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳамда Олий суди билан биргаликда уч кун муддат ичида ушбу Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва уни тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил, 6 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

АНДИЖОН, БУХОРО ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ БАЪЗИ БИР ШАҲАР ВА РАЙОНЛАРНИНГ НОМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоят ҳокимларининг илтимослари қондирилиб, Андижон вилоятидаги Советобод шаҳрининг Хонобод, Ленин районининг Асака деган, Бухоро вилоятидаги Свердлов районининг Жондор деган, Тошкент вилоятидаги Коммунистик районининг Юқори Чирчиқ, Ғалаба районининг Қуйи Чирчиқ деган тарихий номлари қайта тиклансин. Тошкент вилоятидаги Калинин районининг номи Зангиота райони, Оржоникидзе районининг номи эса Қибрай райони деб ўзгартирилсин.

2. Бундан кейин Ўрта Чирчиқ районининг номи ҳам рус тилида унинг миллий шакли сақланган ҳолда, яъни Уртачирчикский деб ёзилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори

БУЛОҚБОШИ, ТОЙЛОҚ, ЧЕЛАК ВА ФУРҚАТ РАЙОНЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоят, Хўжаобод, Самарқанд, Пайариқ, Ўзбекистон ноҳия Кенгашларининг таклифларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг хулосасига розилик билдириб, қуйидаги янги районлар тузилсин:

Андижон вилояти бўйича

Маъмурий маркази Булоқбоши аҳоли пунктида бўлган Булоқбоши райони.

Булоқбоши райони таркибига Хўжаобод районининг Булоқбоши, Қулла, Майариқ, Найман ва Ширмонбулоқ қишлоқлари берилсин;

Самарқанд вилояти бўйича

Маъмурий маркази Тойлоқ шаҳар посёлкасида бўлган Тойлоқ райони.

Тойлоқ райони таркибига Самарқанд районининг Тойлоқ шаҳар посёлкаси ва Адас, Боғизоқон, Жумабозор, Комсомол, Маданият, Сочакиболо, Тепақишлоқ, Қўрғонча қишлоқлари берилсин;

Маъмурий маркази Челак шаҳрида бўлган Челак райони.

Челак райони таркибига Пайариқ районининг Челак шаҳри ва Бирлашкан, Ойтамғали, Оққўрғон, Чапарашли, Ўртасайдов қишлоқлари берилсин;

Фарғона вилояти бўйича

Фурқат райони.

Фурқат райони таркибига Ўзбекистон районининг XX партсъезд номли, Октябрь 40 йиллиги, Шунқор, Қўқон, Ғаллакор (хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонаси 2-фермаси ҳудудидан ташқари) ва Ғунча қишлоқлари берилсин.

XX партсъезд номли қишлоқдаги Горский аҳоли пунктининг номи Навбаҳор деб ўзгартирилсин ва у Фурқат районининг маъмурий маркази этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Хўжаобод, Самарқанд, Пайариқ ва Ўзбекистон район Кенгашларининг янги тузилган Булоқбоши, Тойлоқ, Челак ва Фурқат районлари ҳудудида жойлашган округлардан сайланган депутатлари тегишли халқ депутатлари Булоқбоши, Тойлоқ, Челак ва Фурқат район Кенгашларининг депутатлари бўладилар.

Халқ депутатлари Хўжаобод, Самарқанд, Пайариқ, Ўзбекистон, Булоқбоши, Тойлоқ, Челак ва Фурқат район Кенгашлари тегишли ҳудудда давлат ҳокимиятининг мухтор вакиллик идоралари деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тузилаётган районларнинг бошқарув идораларининг маблағ билан таъминланиши маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилмоғи лозим.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 апрель.

ЧИГИТ ЭКИЛМОҚДА

Амударё районидаги М. Горький номли давлат хўжалиги пахтакорлари Қорақалпоғистон республикасида биринчи бўлиб чигит экишни бошлаб юбордилар. Шу куни Г. Йўлдошев бошлиқ бригадада 10 гектар майдонга чигит экилди. Ерларни ҳайдашда, текислашда, чигит экишда Б. Нурбоев, Б. Матназаров, Т. Холмуротов, М. Ўразимбетов каби механизаторлар пешқадамлик қилмоқдалар. Бригада пахтакорлари 77 гектар майдонда чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● САВОБЛИ ИШ

БАҲОРИЙ ТУҲФА

Қўшработ районидаги Қорасой қишлоқ аҳли илгари «ойнаи жаҳон» орқали Ўзбекистон телекўрсатувларини томоша қилиша олмас эди. Наврўз байрами арафасида бу қишлоқда фойдаланишга топширилган тўлқин кучайтиргичли антена қорасойлик ҳамқишлоқлар учун баҳорий туҳфа бўлди. Мана, бир неча кундирки, Ўзбекистон телекўрсатувлари «ойнаи жаҳон»да тиниқ тасвирда намоён бўлиб турибди.

Қишлоқ аҳли савобли ишни амалга оширишда ҳомийлик қилган Ўзбекистон халқ ноиби Н. Саъдуллаевдан беҳад миннатдор.

С. ЧИЛМИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IV Пленуми партиямиз ҳаётида вужудга келган ниҳоятда долзарб масалаларни муҳокама этди. Зеро янги туғилган ва аста-секин оёққа туриб бораётган ХДПни ташкилий жиҳатдан шакллантиришни шу кун талаблари даражасига кўтариш ҳаётий масаладир. Нега деганда жумҳуриятимизнинг истиқболи, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маиший муаммолар ҳал этилиши сиёсий партияларнинг тараққиётига, куч-қудратига боғлиқ. Шундай экан, бунинг учун ҳар бир дамни ғанимат билиб, партиявий ички ҳаётимизни мустаҳкамлашимиз, ташкилий жиҳатларни такомиллаштиришимиз, унинг омма орасидаги таъсир доирасини ана шу йўллар билан кучайтириб боришимиз лозим.

КЕЛАЖАК ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИКИ

ПЛЕНУМ олдимизга қўйган вазифалардан бири — ҳудудий бошланғич ташкилотларни тузиш ва тезлик билан оёққа турғазишдан иборатдир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Пленумда таъкидлаб ўтганидек, ҳудудий ташкилотлар партия Низомида асосий ташкилотлар бўлиб қолади.

Биз ўз фаолиятимиз бошиданоқ ҳудудий ташкилотларнинг келажакдаги мавқеи, аҳамиятини ўйлаб, бу соҳага алоҳида эътибор билан қараётган эдик. Бугунга келиб эса бу борада озми-кўпми илк тажрибалар тўплана бошлади. Чунки дастлабки қадамнинг аҳамияти доимо ўзгача бўлади. Эндиликда эса шу йўналишдаги ишларни янада жонлантириб, тўпланган тажрибаларни мустаҳкамлаб ва янги ташаббусларга кенг йўл очиб боряпмиз. Ўзбекистон ХДП Низомига асосан ҳозирча вилоятимизда 44 та ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ва 95 та ҳудудий—ишлаб чиқариш партия ташкилоти тузилиб, уларга деярли 8 мингга яқин партия аъзоси тортилди.

Хўш, нима учун бугунга келиб ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига шу қадар катта аҳамият бериляпти? Нега уларга келажакда партиявий ишларимизни ривожлантирадиган асос сифатида қаралмоқда? Бунинг боиси — ХДПнинг жамиятдаги ўрни ва роли аҳоли истиқомат жойларида олиб бориладиган ишларга янгича қарашлар ва янгича ёндашишлар билан белгиланади. Яна шуниси ҳам аниқки, илгари ишлаб чиқаришдаги ташкилотларимизга қандай эътибор билан қараган бўлсак, бундан буён ҳудудий бошланғич ташкилотларга ҳам шундай, балки ундан ҳам каттароқ эътибор билан қарамоғимиз зарур. Бу эса ўз навбатида ушбу тармоқда ва соҳаларда ишлаётган кадрларимизга нисбатан талабчанликни янада ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки биз — якка ҳокимликдан кўп партиялилик даврига ўтдик. Демак шу пайтгача йўл қўйиб келинган расмиятчилик, бир ёқламалик, қоғозбозлик, қўл учида ишлаш каби иллатларни таг-туги билан йўқотишни ҳаётнинг ўзи талаб қиляпти.

Бозор иқтисодига ўтилаётган ҳозирги шароитларда ишлаб чиқариш тузилмалари ҳам тубдан ўзгариб бораяпти. Кичик корхоналар, ишлаб чиқаришнинг бошқа усул ва услублари ташкил топмоқда, касаначилик, яъни уйда ўтириб ишлайдиган аҳоли табақалари кўпаймоқда. Айни пайтда аҳоли истиқомат жойларида ишсизлик ҳоллари ҳам пайдо бўлмоқда. Биз ана шуларни ҳам сира назардан қочирмаслигимиз керак.

Маълумки, ҳудудий партия ташкилотларида асосан ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган ХДП аъзолари ҳисобда турадилар. Лекин ҳудудий партия ташкилотининг розилиги билан шу ҳудудда яшовчи, бироқ меҳнат жамоаларидан бирида ишлайдиган ишчилар ҳам ҳисобда туришлари мумкин. Бундай ҳолда партия ташкилоти ҳар томонлама кучли бўлади, унинг таъсир доираси эса янада кенгаяди. Чунки ҳар ким ҳар ерда ишламасин, маҳаллачиликнинг ўз муҳити, ўз шароити бор.

Сирдарёликлар хусусан ана шу йўлдан бормоқдалар. «Ленинград» жамоа хўжалигининг тўртта маҳалласидаги оқсоқоллар кенгаши қошида тўртта ҳудудий бошланғич партия ташкилоти тузилди ва улар ўз ишларини маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Хўжалик партия ташкилоти котиби Миркомил Товбоев вилоятдаги тажрибали ташкилотчилардан бири ҳисобланади. Унинг бу борада олиб бораётган ишлари айниқса эътиборга лойиқ. Шунинг учун ҳам райондаги партия кенгаши ана шу ташкилот тажрибаси ва иш усулларини бошқа ташкилотларга ёймоқда.

Ўзбекистон ХДП Ховос ҳудудий кенгашининг тузилиши, унинг ибратли ишлари ҳақида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV Пленумида атрофлича ҳикоя қилиб берилган эди. Гапнинг сирасини айтганда, бу — Янгиер шаҳар партия ташкилоти, унинг Ховос посёлкаси ҳудудидаги ишларнинг давр билан ҳамнафас иш юритаётганлигидан далолатдир.

Бошқача айтганда, Ховос темирйўл ҳудудий кенгашида ҳудудий усулда ишлайдиган ташкилотларнинг янги тузилмаси пайдо бўлди. Мазкур ҳудудий ташкилотлар кенгаши Ховос қўрғони ҳудудидаги 14 та бошланғич ташкилотни ўз атрофига бирлаштирди. Унга тажрибали партия ходими Саид Усмонов раҳбарлик қилаётир. Бу ишлаб чиқариш-ҳудудий партия ташкилоти шу ерда яшовчи аҳоли, корхона ёки ташкилотларнинг ҳаёти, ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳаларга оид ҳар қандай масалаларни ҳал эта олади. Одамлар турмуши, турли ташвишларига дадил аралашади, уларга ҳар томонлама кўмак беради, оғирини енгил қилади. Яна бир эътиборли томони — бу ташкилот ўзини ўзи маблағ билан таъминлайди.

Яна шуниси қувонарлики, ушбу ҳудудий ташкилот ўз фаолиятини сайлов округи чегараларида, сайлов округи ҳудуди ва негизида олиб бормоқда. Яқинда ҳудудий партия ташкилотлари кенгаши ташаббуси билан шу округдан сайланган Ўзбекистон халқ нойби, «Голодностепстрой» ҳудудий бошқармаси бошлиғи И. А. Гамбург билан сайловчиларнинг учрашуви ўтказилди. Халқ нойби ўзига берилган топшириқларнинг қандай бажарилаётгани тўғрисида батафсил ҳисоб берди. Бу учрашувда ХДП аъзолари ва унинг фаоллари билан бирга Янгиер шаҳар ва Ховос посёлкаси ижроия қўмиталари ходимлари, шаҳар ва посёлка коммунал хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари, бошқа масъул кишилар қатнашдилар. Натижада шаҳар ва посёлка аҳолисининг энг зарур ижтимоий, маданий-маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш қандай бораётгани тўғрисида кенг даврада ошкора гап борди. Сўзсиз, бундай учрашувлар, ташкилий ишлар ҳудудий партия ташкилотларининг ҳам, ХДП аъзолари ва унинг фаолларининг ҳам обрўсини ошириши турган гап.

Энг аввало шаҳар, қолаверса, вилоят партия ташкилотлари кенгашлари бундай ибратли тажрибаларни кенг оммалаштирмоқдалар. Жумладан, яқинда вилоят партия ташкилоти кенгашида ўқув-семинар ўтказдик ва унда ҳудудий бошланғич ташкилотларни тузиш, улар фаолиятини тўғри олиб бориш ҳақида атрофлича фикр юритилди. Шаҳар ва район партия кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг котиблари ўзаро тажриба алмашдилар, таклиф ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Гулистон давлат дорилфунуни ётоқхонасида, шаҳарнинг маҳалла қисми ва бошқа ҳудудларида ташкил этилган ва этилаётган ташкилотлар фаолияти ҳам кўпчиликда қизиқиш, ҳурмат-эътибор уйғотмоқда. Вилоятимизда бундай ибратли ишларнинг кўпайиб бораётгани — ҳудудий ташкилотларни тузиш ҳаёт талаби эканлигидан, бу борадаги ишлар, кўзланаётган мақсадлар одамларнинг хоҳиш-иродасига мос тушаётганидан далолатдир.

Юқорида айтилганидек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV Пленуми бу борадаги ишларимизга янада катта йўл очиб берди, бу соҳадаги ишларнинг янги қирралари вужудга келди. Бундан кейин ҳам жамият ҳаётига ўтказилаётган партиявий таъсирни ҳудудий партия ташкилотларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Вақти келиб ишлаб чиқариш тузилмалари ўзгариб, кўп партиялилик янада кенгайгач, партия ташкилотлари ишлаб чиқаришдан аста-секин чиқиб кетишлари мумкин. Ана шунда ҳудудий ташкилотларда томир отиб, ўз таъсир доирасига эга бўлган партия ташкилотларигина бевосита халқ орасида иш олиб борадиган асосий, сиёсий куч бўлиб қоладилар. Шундай экан, ҳозир қулай фурсатни бой бермай, ҳудудий ташкилотлар фаолиятини кучайтиришимиз лозим.

Н. ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудири.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

МАФКУРАВИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашида мафкуравий ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ХДП вилоят кенгашининг аъзолари, партия шаҳар ва район кенгашлари, бошланғич ташкилотлар котиблари, меҳнат фахрийлари, оммавий ахборот воситалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

— Биз бу мавзуни шунинг учун танладикки,—деди ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов суҳбатни бошларкан, — партиямиз таъсис қурултойидан бери беш ойдан кўп вақт ўтганига қарамай мафкуравий ишларимизда ҳамон ижобий ўзгаришлар сезилмаяпти. Бу борада айрим шаҳар ва районларимизда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Кўргазмали тушунтиришлар, лекторийлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Шунинг учун ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини тубдан кучайтириш партия ташкилотларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Энг муҳими биз — партия фаоллари омма орасига чуқур кириб бормоғимиз зарур. Ҳамма жойда сўз билан иш бирлигини таъминлашга эришмоқ лозим.

Давра суҳбатида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган вилоят фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов, меҳнат фахрийлари И. Жалолов, Н. Акромова, вилоят касаба уюшмаси раиси Э. Ражабов, вилоят ҳокимияти котибияти мудири А. Эркаев, «Қаршиқурилиш» бирлашмаси партия ташкилоти котиби А. Олейник, вилоят ҳокимияти бўлим мудири Ш. Каримов ва бошқалар аҳолининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш ва вазиятни соғломлаштириш учун партиявий-мафкуравий ишларни имкони борича тўғри олиб бориш, тарғибот ишлари самарасини ошириш, маҳаллаларда мафкуравий ишларни тўғри ташкил этиш, партия ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан алоқасини мустаҳкамлаш йўллари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Давра суҳбати қизғин баҳс ва мунозаралар билан ўтди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК

ХДП Бувайда район кенгаши шу мавзуда суҳбат ўтказди. Мулоқотда юзлаб кишилар қатнашдилар. ХДП Фарғона вилоят кенгашининг котибаси Г. Маърупова, Бувайда район кенгашининг биринчи котиби Э. Хўжаев ва бошқалар учрашув қатнашчиларига Халқ демократик партиясининг мақсад ва вазифалари, шу кунларда қилинаётган ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар. Бозор иқтисодиёти ва нарх-навонинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари ва бу муаммоларни ечиш йўллари ҳақида кўп фикрлар билдирилди. Гурунг ҳар қандай расмиятчиликдан ҳоли ҳолда одамларнинг ғоят фаоллиги билан ўтди. Район ҳокимияти, идора ва ташкилотларининг раҳбарлари шу ернинг ўзида одамларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Янгиқўрғон массиви имом хатиби Аббосхон Бобохонов суҳбат қатнашчиларига шариат асослари ҳақида ваъз ўқиди. Ўтказилган тадбир районда Халқ демократик партияси мавқеини мустаҳкамлаш, одамлар орасида партия обрўсини оширишда муҳим иш бўлди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

ФРАНЦИЯГА ТАШРИФ

● Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевич Франция Президенти Франсуа Миттеран меҳмони сифатида Парижга келди.

Ташриф давомида С. Шушкевич Ф. Миттеран ҳамда Франция Бош вазири П. Береговуа билан музокаралар олиб борди, мамлакатнинг ишбилармон вакиллари билан учрашди.

Беларусь Республикаси Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида қатнашувчи мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Янги Европа учун Париж хартиясига қўшилди. Бу Франция Президенти Ф. Миттеран билан С. Шушкевич ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг асосий якунидир. Франция Президенти Минскни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг навбатдаги анжумани ўтказиладиган жой қилиб белгилаш ҳақидаги таклифини юқори баҳолади.

ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

● Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев амалий ташриф билан Душанбага келди.

Тожикистон Республикаси ташқи алоқа вазири Лақим Қаюмов билан А. Козирев Россия Федерацияси билан Тожикистон Республикаси ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги протоколни имзолашди. Икки давлатнинг мазкур вазирликлари ўртасида ҳамкорлик ва фаолиятни мувофиқлаштириб туриш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

НОМЗОДЛАР КУРАШИ

● АҚШ президенти Жорж Буш билан Арканзас штати губернатори Билл Клинтон шу йил ноябрь ойида бўладиган президент сайловида республикачилар ва демократлар партияларидан номзод этиб кўрсатилиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Канзас штатида дастлабки сайловлар бўлди. Бунда иккала партия номзоди ғалаба қозонишди. Овоз беришнинг дастлабки якунлари эълон қилинди. Сайловчиларнинг 62 фоизи Ж. Бушни ёқлаб овоз берган.

АҚШ ТАН ОЛДИ

● Америка Қўшма Штатлари Югославия Социалистик Федератив Республикасининг айрим республикалари мустақиллигини тан олди.

Тан олинган давлатлар рўйхатида Хорватия, Словения, Босния ва Герцеговина давлатлари бор.

ТАҚИҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

● Оқ уй тарқатган расмий баёнотда айтилишича, Россия ва бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг аъзолари байроғи остидаги савдо кемалари АҚШнинг шарқий соҳилида жойлашган кўрфазлар ёнига келиб тўхташи мумкин.

Маълумки, собиқ совет республикалари савдо кемалари АҚШдаги 7 та денгиз портига кириши тақиқлаб қўйилган эди. Маъмурият бу тақиқни бекор қилди. Айни чоғда Мексика кўрфази соҳилидаги Флорида штати портларига киришга ҳам рухсат берилди.

КУЧЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Югославияда тинчликни сақловчи БМТ кучларининг тўла жойлаштирилишига ижозат берди.

Хавфсизлик Кенгаши бу ҳақда якдиллик билан қарор қабул этди. Айни чоғда кучлар жойлаштириладиган ерларда эўравонлик қилмасликка даъват этилади. Можарони сиёсий бартараф этишга эришиш соҳасида Европа ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишга ҳам чақирилади.

(Жаҳон агентликлари ҳамда рўзномаларнинг хабарлари асосида тайёр ланди).

• Луқма

ТУХУМИ ТОВУҒИДАН ҚИММАТ

Бозор иқтисодиёти маиший хизмат соҳасига ҳам кириб келгани рост. Буни аҳолига хизмат кўрсатиш турларининг кўпаяётганлиги, соҳада ўзаро рақобат муносабатлари кучаяётганидан ҳам билса бўлади. Бироқ, очиғини айтганда, хизмат ҳақи бир неча бараварга ошгани билан соҳа иши сифатида ҳали-ҳануз ўзгариш сезилгани йўқ.

Яқинда соатсозга ишим тушиб қолиб, бунга амин бўлдим. Қарийб ўн йилдан буён тузуккина ишлаб турган «Заря» маркали соатим бузилиб қолди. 4—5 сўмга тузатиб оларман, деган ниятда пойтахтдаги марказий универсал магазини қошида жойлашган устахона вакилларига учрашдим.

— Биласизми, — деди уста кулимсираб, — соатингиз деталларини алмаштириш керак. Хоҳласангиз тузатиш учун олиб қоламиз. Хизмат ҳақи 37 сўму 45 тийин бўлади.

— Йўғ-е, ахир бу соатни 16 сўмга сотиб олганман-ку.

— Ака, энди замон шунақа, соатни илгари харид қилгансиз, бироқ ҳозир нархлар 10—20 баравар ошиб кетди. Битта деталнинг ўзи бугунга келиб соатнинг эски баҳосига тўғри келяпти.

Тўғриси, унинг гапига ишонмай, бошқа соатсозга — Форобий кўчасида жойлашган устахонага бордим. Уста соатни кўриб бўлгач, 22 сўм 10 тийинлик квитанция ёзиб берди. Ноилож, пулни тўлаб қўяқолдим. Ҳар қалай хизмат ҳақини биринчи соатсозга нисбатан 15 сўм кам қилиб айтдику.

Бироқ бир нарса мени ўйлантириб қўйди Хўш, нархлар кетидан қувиб бораверсак, буёғи нима бўларкин? Ахир айрим маҳсулотларнинг, хизмат турларининг тухуми товуғидан қимматга тушяпти-ку. Оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти, унинг яшаш аҳволи ҳақида ким ўйлайди? Маҳаллий ҳокимият, тегишли ҳуқуқий ташкилотлар, нарх-навo мутасаддилари (агар улар бўлса) савдодаги, маиший хизмат соҳасидаги нархларга эътибор қаратиб, амалий назоратни кучайтирсалар айни муддао бўлур эди.

А. ОРТИҚОВ.



ҚИШЛОҚДА УЙ ТЎЙЛАРИ

«Қаршипромжилстрой» трестининг 29-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари ўтган йили Қашқадарё вилоятида 7300 квадрат метр уй-жой иншоотларини қуриб, фойдаланишга топширдилар.

Шу йилнинг биринчи чорагида эса 16 оилага мўлжалланган уй-жой барпо этилди. Ҳозир янги квартираларга хонадонлар соҳиблари кўчиб кириб, уй тўйларини нишонлашмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Монтажчи Холбой Примов ёш бинокорлар устози ҳисобланади. 2. Қарши чўлида барпо этилган коттеж уйлар.

Ш. ШАРАПОВ (ЎзА) олган суратлар.

• Мутахассис Мингбулоқ нефть кони ҳақида мулоҳаза юритади

КАШФИЁТ ИЛДИЗЛАРИ

Наманганнинг Мингбулоқ нефть булоғи кўз очгани ҳақидаги хабар атиги бирикки кун ичида бутун Ўрта Осиё қолаверса, бутун Осиё ва Африка миқёсида яшин тезлигида тарқалди. Кўпчилик нефтчи мутахассислар ҳам дастлабки кунлар бундай қувончли хабардан гангиб, ўзё танишинг сенга: «Эртароқ уйингга бор, ўғлинг армиядан омон қайтиб, ҳозиргина уйингга кириб кетди, тез бор!» дегандек, эс-ҳушини йўқотиб қўйган киши ҳолига тушдилар.

Чунки мазкур кўнгилли воқеа барча давлатлар ва халқларга тааллуқли. Нефть — фақат ҳозирги куннинг энг ҳал қилувчи сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга молик омилларидан бўлиб қолмай, кундалик эҳтиёж-транспорт турларининг ёнилғиси ҳамдир. Бир литр бензиннинг нархи фалон пул бўлиб турган вақтда кўпчилик техника воситалари, машина-тракторлар ишламасдан, тайёралар учолмаслиги шароитида қудратли нефть дарёси сахий заминимизнинг 5237 метрли қалин тўғонини шиддат билан ёриб ўтди.

Бу—Фарғона водийси тарихида ва умуман Ўрта Осиё тарихида содир бўлган ноёб ҳодиса.

Водий аҳолиси бу нефтни кутганмиди? Кутганди. Узоқ кутганди. Ахир Фарғона нефтининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу заминда нефть, кўмир каби энергетика манбаларини излаб топиш, қазиб чиқариш ва фойдаланиш бир неча минг йиллар олдин бошланган. Ўрта аср олими буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг жаҳонга машҳур «Қиймматбаҳо тошларни ажрата билишга бағишланган билимлар тўплами» («Минералогия») номли китобида қимматли маълумотларни келтириб: «Фарғоналиклар қўнғир кўмирни (гагат ёки қоратошни) жойни иситиш мақсадида фойдаланиб, ундан қолган кулни кир кийимларни ювиб тозалашда ишлатадилар. Ёнганда ўзидан ёруғлик чиқарадиган тош (нефть, озокерит, кира)лардан эса ёруғлик манбаи сифатида фойдаланганлар» деганди. Бинобарин, кўмир, нефть, озокерит Фарғона водийсида яшаган аҳолига жуда қадим замонлардан маълум экан.

Аммо уларнинг, айниқса нефтнинг очиқ, тоғли жойларда чиқиб ётган конлари катта бўлмаганлиги туфайли бу манбалардан тўла фойдаланиш ўша замонларда, кейинчалик ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Буни тушунган водий халқи Мингбулоқ нефть конини асрлар оша зориқиб кутган эди. Халқнинг бу асрий орзу-ниятлари ниҳоят Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина рўёбга чиққани айниқса қувончли.

Шуни айтиш керакки, қўққисдан одам қўйнига кирган катта бахт ва қувонч одатда озгина гумон, ишончсизлик ҳиссини ҳам уйғотади. Шундай қувонч билан боғлиқ 1974 йиллари Устюрт ҳавзасининг «Борса-келмас» майдонида содир бўлган бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Бунга асос бор: 70-йиллар охирларида «Борса-келмас»нинг йирик антиклиналь гумбазини бурғулаш пайтида 3 минг метр чуқурликда жойлашган юра даври ётқизиқларидан кучли нефть фавворaси отилиб чиқди. У ҳаммани — Қорақалпоғистон жумҳуриятининг раҳбарларини ва нефтьгаз мутахассисларини ҳам қувонтириб, ҳам саросимага солиб қўйди. Сабаби — фаввора қай йўсинда чақнаб отилган бўлса, шундай тез сўниб қолди. Одамлар мутахассисларга мурожаат қилиб, Наманган фавворaси «Борса-келмас» фавворaси каби бизни алдаб, сўниб қолмасмикан? Нефтнинг таги мўлми?— деб кўп шубҳали саволлар беришяпти. «Илон чаққан киши арқондан қўрқибди», деганларидек, уларнинг гумонини тушунса бўлади. Лекин бу Массагет серияси асосан континентал қуруқ иқлим шароитида ҳосил бўлган қизғиш ранг гилдош ва қумдошлардан иборат бўлиб, унинг қалинлиги бу ерда 2000—4000 метргача етади. Дастлабки маълумотларга кўра, бу неоген нефти бошқа шу ёшдаги конлар нефтига ўхшаса-да, унинг галги фаввора Устюрт фавворасига сира ўхшамайди. Кунига 10—15 минг тонна ҳажмда отилиб турган қора мой оқими билан ҳазиллашиб бўладими ахир?

Геолог-нефтчи сифатида мен Мингбулоқ нефти ҳақида қуйидагиларни айтишим мумкин.

Мингбулоқнинг антиклиналь типидаги нефть тутқичи Шимолий ва Марказий Фарғона ҳудудларида аниқланган қўшни структура (тузилиши) ва конлардан ўзининг бироз катталиги ва анча чуқурда жойлашганлиги билан фарқланади. У Наманганнинг Сирдарё соҳилларида жойлашган. Нефть фавворaси массагет серияси деб аталмиш учламчи (неоген) даврининг энг остки — бундан 23—25 миллион йил муқаддам ҳосил бўлган ва 5237 метр чуқурликда ётган майда қумтош резервуарларидан чиққан.

остида ётган палеоген нефтларидан бироз фарқ қилади: фаввора тахминан 1250 атмосфера босими билан отилиб чиқади. Ер остидаги ҳарорат 200 даражадан юқори.

Наманган вилоятида илгари ҳам нефть конлари кашф қилинганмиди? Жавоб ижобий. Илгари бу структурада бир неча чуқур қудуқлар ковланиб, уларнинг иккитасидан озроқ бўлса-да нефть олинганди. Нефть уюмлари асосан палеоген даврининг оҳактош коллектор қатламларидан (3630—3720 м. чуқурликда) қазиб олинган. 1970 йил ўрталарида Мингбулоқ майдонида бир бурғулаш қудуғи массагет қатламларидан — 5300-5350 метргача чуқурликдан озгина нефть берганди. Назаримда, у маҳсулдор нефть қатламининг ўтказувчанлик, яъни резервуарлик хусусияти анча паст бўлган.

Бу сафаргиси ҳақиқий бўлди. Пармақудуқ катта маҳсулдор қатлам ёки дарзлик зонасига тушди.

Адолат билан шуни айтиш керакки, мазкур улкан конни, яъни шу куннинг «шоҳ кони» кашф этилишида кўп сонли Фарғона нефтчиларининг, «Ўзбекнефть» бирлашмаси ходимларининг ҳамда Тошкентдаги нефть илмий-тадқиқот илмгоҳларида тинмай хизмат қилаётган тажрибали илмий ходимларнинг, геофизикларнинг, ТошДУ геология куллиёти профессор ва илмий ходимларининг ҳиссаси катта. Дастлаб мен бу борада тажрибали ва тадбиркор нефтчилар Акром Рустамович Хўжаев ва Пўлат Комилович Азимовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки ишлаб чиқаришдан етишиб чиққан бу икки улкан олим барча мутахассислар тўплаган қимматли далил ва материаллардан тўла фойдаланган ҳолда Мингбулоқнинг келажак истиқболини 1965—1967 йиллардаёқ аниқ башорат қилган эдилар. Кейинги йилларда эса бунга куюнчак нефтчи мутахассислардан Акром Хожиматов, айни кунларда давлат арбоби Қаюмжон Ҳаққулов ҳамда «Ўзбекнефть» бирлашмаси бошқарувчиси Анвар Норматовларнинг қўшган ҳиссаси ҳам беқиёс, деб ҳисоблайман.

Жоиз бўлса шуни ҳам айтишим керакки, нефть яратишга ноқобил мазкур қизилранг «соқов» неоген қатламларида нефть бўлишини энг аввало 1940 йилларда, яъни нефтни барча олимлар ер ёшига тааллуқли палеоген, бўр ва юра даврларининг қатламларидан излаётган ва топаётган бир пайтда геолог-олимларимиз жасурона фараз қилган эдилар. Уларнинг мазкур тахмини тез орада — 60-йиллар охиридаёқ ўз тасдиғини топганди. Ҳозирги Мингбулоқ нефти ҳам А. Р. Хўжаев ва П. К. Азимовлар хизматини инкор қилмаган ҳолда аввалги фаразнинг яна бир тасдиғи бўлди, дейиш мумкин.

Бугунги Мингбулоқ кашфиётининг диққатга сазовор томонлари анчагина. Биринчидан, бу оламшумул кашфиёт Ўзбекистон мустақиллиги шароитида содир бўлди. Иккинчидан, бу буюк кашфиёт баҳор байрами — Наврўзи оламга ўз вақтида энг олий туҳфа бўлди.

Тўғриси, бир нефтчи олим сифатида Наманган Мингбулоғи заҳиралари мўл бўлишидан ғурурланаман. Шу умид амалиётга айланиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Намангандаги янги нефть кони ҳақида қабул қилган қароридан кўзда тутилган тадбирлар натижасини тезроқ кўриш нияти қалбимда жўш уриб турибди. Шу маънода, қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар комитети, «Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1992—1993 йилларда Мингбулоқ конидаги геология-қидирув ишларининг биринчи босқичини тугалласинлар ҳамда минтақадаги нефтнинг саноат ва истиқбол заҳираларини аниқлаб берсинлар, деган даъват ҳар бир кишида келажакка ишонч уйғотади.

Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика илмгоҳи лаборатория мудири, геология-минералогия фанлари доктори.

МУҲТАРАМ КОРЧАЛОНЛАР,
ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА
КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

ОМОНАТЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ВАҚТИ КЕЛДИ

ОСИЁ КОНТИНЕНТАЛ ХСУ
ХАЛҚАРО САВДО УЙИ

ASIA CONTINENTAL ITH
international trade house

"Осиё-Континенталь" Халқаро Савдо уйи акционерлик жамияти ўз фаолиятини бошлаганлигини маълум қилади. Тошкент экскаватор заводи, Тошкент лак-бўёқ заводи, "Узбекхлопкомаш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "VERO" Венгрия-Россия фирмаси, "Изотоп" республикалараро бирлашмаси, округ зобитлар уйи, Ижтимоий ташаббус Ўрта Осиё ассоциацияси, "Азимкор" хайрия жамияти ва бошқалар "Осиё-континентал"нинг асосий таъсисчиларидир.

Жамиятнинг устав капитали - 100 миллион сўм

"Осиё-Континенталь" Халқаро Савдо Уйи (ХСУ) биржалар системаси ва савдо уйлари воситасида АҚШ (факс: (212) 227-08-68), Англия ((4421) 629-08-05), Швеция ((468) 204-353), Италия ((392) 583-10285), Сингапурда ((65) 225-58-71) ўзининг бош штаб квартираларига эга. Шунингдек, ер шарининг қуйидаги нуқталарида ўз вакилликларига эга:

Тайванда
Гонконгда
Японияда
Хиндистонда
Туркияда
Мексикада
Канадада
Грециядa
Мисрда
Монакода
Олмонияда
Женевада
Австралияда
Жанубий Африкада
Францияда
Таиландда
Бразилияда



in Taiwan: (8862) 751-68-30
in Hongong: (8521)525-0996
in Iapan: (813)271-5244
in India: (9111)645-1638
in Turkey: (901) 155-5064
in Mexiko: (525)758-6486
in Canada: (1514)333-7063
in Greece: (3031)542-403
in Egipt: 345-5138
in Monaco: (3393)258-993
in Giermany: (49511)282-664
in Geneva: (4122)412-354
in Australia: (431)877-390-030
in South Afrika: (2721)419-6705
in France: (331)42-332-673
in Thailand: (662)241-0653
in Brasil: (011)289-1554

"Осиё-Континенталь" ўз акцияларини тарқатишни 1992 йилнинг 20 майигача бошлайди. Битта акциянинг номинал баҳоси 50.000 сўм ва сиз унинг соҳиби бўлишингиз мумкин. Брокерлик ўринларини харид этиш учун аризалар қабул қилинади. Фақат дастлабки ўнта брокерлик ўринлари имтиёзли бахода - 750.000 сумдан сотилади. 50 оддий шахсий акцияларнинг сохиби "Осиё-Континенталь" ХСУ биржасида брокерлик ўрнига бепул эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади.

"Осие-Континенталь"нинг акциялари инфляция авж олган ҳозирги алғов-далғов даврда капиталингизни жойлаштириш учун энг ишончли воситадир. Чунки "Осиё-Континенталь" халқаро савдо уйи мустақил ҳуқуқий шахс сифатида "Алиса" системасига киради.
"Алиса" - бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг йирик индустриал шаҳарларидаги 27 биржа ва савдо уйларидир; бу - маҳсулотлар учун ягона маълумотлар банкидир; маблағларни жойлаштириш учун ягона маълумотлар банкидир; фойдали келишувлар учун замин яратадиган ягона кафолатдир; дистрибуцияларнинг мутлақ ягона тармоғидир.

"Осиё-Континенталь" Халқаро Савдо уйи Ўзбекистон, Тожикистон ва Қиргизстон Республикаларида минтақалараро ва тармоқлараро тижорат ахборотлари билан алмашиш "РИКО" системасидан эксклюзив фойдаланиш ҳуқуқига эга.

"РИКО" системасининг минтақалараро маркази таркибига Мустақил Давлатлар ҳамдустлигининг 80-дан ортиқ ўлка ва вилоятларида саноат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, тиббиёт анжомларини ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар киради!
Уларнинг ҳар бири олди-сотдилар, у ёки бу ишни бажариб бериш, кооперация соҳасида, ҳамкорликда иш юритиш хусусидаги ва шунга ўхшаш Сизларнинг барча буюртмаларингизни бошқа ҳудудлардаги корхоналар ва ташкилотларга тез, соз ва мукаммал ҳолда етказиб беради.

Ва буларнинг барчаси воситачиларсиз амалга оширилади!
Ва буларнинг ҳаммасини "Осиё - Континенталь" амалга оширади!

Барчангизни "РИКО" системаси билан уйғунликда фаолият кўрсата оладиган минтақалараро, тармоқлараро ва халқаро системаларни ташкил этиш учун ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

"ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛЬ" - рақобатдан ташқарида!
"ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛЬ" - бу йирик бизнес учун дарвозадир.
"ОСИЁ-КОНТИНЕНТАЛЬ" - бу ривожланган бозор учун равон йўлдир.

ВА БУ ФАҚАТ БОШЛАНИШИ...

БИЗ ИШБИЛАРМОН ВА ҒАЙРАТЛИ ЁШЛАРНИ МАҲСУЛОТ СЕКЦИЯЛАРИ ВА МАКЛЕРИАТДА, ШУНИНГДЕК, ЁШ ВА ЖОЗИБАЛИ ДИЛБАР ХОНИМЛАРНИ ХСУНИНГ РЕКЛАМА-АҲБОРОТ БЎЛИМИДА ИШЛАШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-16-54, 76-54-10.
ФАКС: 767515.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЭНГЕЛЬС КЎЧАСИ, 13-УЙ. ОКРУГ ЗОБИТЛАР УЙИ. 5, 59-ХОНАЛАР.

БИЗ СИЗЛАРГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

НС ПРЕДПРИЯТИЕ



РУҲИ ПОК ИНСОН

Ўн тўрт ва ўн бешинчи асрларда Моваройннаҳр диёри халқларига раҳбарлик қилган соҳибқирон Амир Темурнинг руҳи бугунги кунда ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кезиб юрибди. У чин маънода жаҳонгир ва ўзбекнинг донишманд бобоси бўлган инсон эди. У дўстга-дўст, олимга эъзозли, аскарга қўмондон, халқига падар ва ёвуз душманга шафқатсиз бўлган. Шунинг учун ҳам «Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим», дегандаги мингбир ҳақиқат эди. Ўз халқининг бирлигини, унинг манфаатини ва маданияти равнақини кўзлаган юртпарвар сиймо улуғ кишилар ва устозларнинг ҳурматини ўрнига қўя билган, Аҳмад Яссавий, ат-Термизий, ал-Бухорий, Занги ота сингари эҳтиромли зотларнинг номларини беҳад улуғларди. Чунончи у Тошкент узра сафар қилиб ўтганида ҳам ҳозирги Чиноза тўхтаб, бу ерда яшаган алломалар номини ва уларнинг авлодларини иззат ҳурмат билан тавоб қиларди. Қаерда бўлмасин, ўша жойнинг тарихи ва табиатини севар, одамлари билан кўп мулоқот қилишдан эринмасди. Шундай қилиб, сувидан ичиб, меваларидан баҳраманд бўлган ҳозирги «Москва» колхози ҳудудида улуғ соҳибқиронга бағишланган тантана катта воқеага айланиши бежиз бўлмади. Ҳўжаликка Амир Темур номини беришга бағишлаб ўтказилган маъракa катта ўйингоҳда бўлди. Маросимда машҳур жаҳонгир ҳақида ва унинг амалга оширган қанчадан-қанча савобли ишлари ҳақида мароқли сўзлар айтилди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Неъмат Дўстхожи ўғли «Амир Темур бобомиз «Москва»ни яна бир бор забт этди», деб ифодали айтганида катта рамзий маъно акс-садо топди.

Маросим бошланишида «Эски Тошкент» жомеъ масжиди имом хатиби Илҳомжон ҳожи Суннатилло Асадулло ўғли Қуръони Каримдан оятлар тиловат қилиб, буюк бобомизнинг руҳига бахшида этди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Хайдар Пўлатов, «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» экспедицияси президенти Малик Муродов, элшунос олимлар Абдураҳим Умаров, Фатхулла Зикриллаев, Билол Аминов ва бошқалар бой маданий тарихимизнинг бу олтин даврини мароқ билан тилга олдилар.

Маросим бўлаётган катта майдонга Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Толиб Каримов соҳибқирон қиёфасида от миниб кириб келади ва халойиққа салом бериб оташин сўзлар айтади. Ҳамма бу таъсирли манзарани чин дилдан олқишлайди.

Чиноз ноҳиясидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги раиси Жамол Араббоев маросим ҳақида шундай деди:

— Яхши иш бўлди. Жамоамизга бундай табаррук ном берилишидан беҳад ҳурсандмиз. Хўжалик аҳолиси турмуши яхшиланиб бормоқда. Хонадонларимиз юз фоиз газлашган, ичимлик суви эса етарли, барча кўчаларга асфальт кириб борган. Бунга жавобан меҳнат аҳли яхши ишлаяпти, чунончи бу йил 25 миллион сўмлик маҳсулот етиштирамиз. Ҳайрли маросимни ташкил этишда бош-қош бўлган «Нур» ижодий бирлашмаси ва «Ихлосия» маркази жамоаларидан чексиз миннатдормиз.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Суратларда: тантаналардан лавҳалар.

М. МИРЖАЛОЛОВ олган суратлар.



• *ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА*

„ЮМАЛОҚ ХАТЛАР“ ЖАБРИ

ёки келеслик Аббос Сайдуллаевнинг толмас иродаси ҳақида сўз

●Бугунги кунда республикамиз ҳаётида шу асрнинг 80-йиллари ўрталарида содир бўлган воқеалар хусусида сўз юритар экамиз, бу мудҳиш ҳодисаларни, минг афсуски, надомат билан тилга оламиз. Бутун бир бошли жумҳуриятнинг халқ хўжалигида, мафкурасида, не-не соҳа-тармоқларида, деярли ҳар бир ўзбекистонликнинг хонадонида машъум из қолдирган ўша собиқ бўронларнинг унутилмас изгиринини қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз — ўз соҳасининг ишбилармони, тадбиркор, ташаббускор вакили, халқнинг мард, оловқалбли, жонкуяр, фидокор ўғли — Аббос Сайдуллаев ҳам ўз бошидан кечирди. Таъбир жоиз бўлса, бу алпқомат йигитнинг тенг ярим умри, куч-қувватга, шиддатга тўла умри бевақт хазон бўлишига сал қолди. Ўшанда...

ШАРОФ Рашидов чоғроқ бир хонага тўпланган районнинг ўн беш нафар раҳбар ходими билан қўл бериб сўрашиб чиқди-да, тўридаги курсига ўтиб ўтирди. Сўнг район партия қўмитаси бюро аъзолари билан бирма-бир танишиб, ҳолаҳвол сўрай бошлади. Навбат ҳали анча ёш бўлишига қарамай ғоят жиддий ва салобатли қиёфада республика раҳбарига синчковлик билан тикилиб ўтирган фабрика директорига етди. У гарчи бу киши билан умрида биринчи бор юзма-юз учрашиб, суҳбат қураётган эса-да, ўзини йўқотиб қўймасдан шошилмай ўрнидан турди.

— Бюро аъзоси, Келес жун фабрикасининг директори Аббос Рихсиевич Сайдуллаев, — дея уни Рашидовга таништирди райком котиби.

— Ҳа, биламиз, биламиз, — деди жилмайиб Шароф ака, — фабриканинг ишлари зўрлигини, миллионер бўлиб кетишганини эшитганмиз. Мана, районингиз ҳам энди алоҳида район. Уй-жой масалаларида, ободонлаштиришда районга, шаҳрингизга энди кўпроқ қарашиб турсангиз яхши бўларди. Миллион-миллион ишлаяпсиз экан, яшанг, баракалла! Шундай бўлгач, бизга илтимослар ҳам бўлмаса керак, — яна мийиғида кулиб қўйди Шароф ака.

— Йўқ, айни сизга бир илтимосимиз бор, Шароф Рашидович, бўлганда ҳам жуда жиддий илтимос, — деди Сайдуллаев секин, босиқлик билан. Тўпланганлар ялт этиб унга қарашди. Райком котиби нима гап экан, дегандай ўтирган жойида типирчилади.

— Шунақами, майли, гапиринг, — унга жиддий боқди Рашидов.

— Биз ҳозир ишлаётган 60—70 миллион ҳеч нарса эмас, Шароф ака, — деди директор. — Агар сиз илтимосимизни қабул қилиб, ёрдам берсангиз, бизнинг режамиз амалга ошса, унда халқимиз учун яна юз миллионлаб фойда топар эдик...

— Йўғэ, ростдан-а, — дея унга алоҳида эътибор билан тикилиб қолди республика раҳбари. Суҳбатнинг кутилмаганда бундай тус олиши уни қизиқтириб қўйган эди. Аббос Сайдуллаев ўша-ўша вазминлик билан кўнглига кўпдан бери тинчлик бермай юрган режаларини ўртага ташлай бошлади.

— Ўзингиз биласиз, бизнинг корхонамиз Иттифоқда ягона, хом ашё ҳам асосан ўзимизники, қўшни қардошларимиздан яна оз-моз оламиз. Бизда бор-йўғи бирламчи ишлар бажарилади, жунни шундай тозалаймизда, кейин уни бошқа ёқларга сув текинга бериб юборамиз. Агар ана шу хом ашёнинг ҳаммасини ўзимиз ювсак, йигирсак, кейин республикадаги комбинатлару бошқа фабрикаларда ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, уларни сотсак, унда оладиган фойданинг ҳисоби бўлмасди.

Шароф Рашидов олдидаги йирик қизил қаламни қўлларида ўйнаганча, унга боқиб, бир неча дақиқа сукутга толди. Кейин бошини кўтариб, ҳали ҳам ўзига тикилганича тик қотиб турган директорга юзланди.

— Тушундим, — деди у эшитилар-эшитилмас қилиб. — Бундай муаммо фақат сизда эмас, бошқа соҳаларда ҳам қалашиб ётибди... Хўп-ўп, сизга қандай ёрдам керак?

— Озгина мадад берсангиз бўлди, — деди директор анча жонланиб. — Биринчидан, маҳсулотнинг ўзимизда қолишига Москвадаги вазиримизни кўндириб берсангиз, кейин шундай ёнгинамизда Қозоғистоннинг олдиндан қолиб кетган пахта заводи бор, шуни бизга беришларига ёрдам қилсангиз, қолган ишларни ўзимиз эплаймиз.

— Биринчи илтимосингизни-ку ҳал қилса бўлар, лекин завод масаласи бироз ишкалроқ экан-да...

Аббос Сайдуллаев гап нимадалигини, яъни заводнинг бошқа республиканинг мулки экани, уни сотиб олиш ёки бошқа йўл билан ўзимизга ўтказиш учун масалани энг юқори даражада муҳокама этиш зарурлигини директори баён қилган масала юзасидан ярим соатча фикр алмашиб олгач, улар ҳузурида Иттифоқ енгил саноат вазири Н. Тарасовга қўнғироқ қилди. У бу масалани ижобий ҳал этишнинг жумҳурият, қўшни қардош республикалар, қолаверса, Иттифоқдаги ушбу тармоқ учун қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини батафсил тушунтириб, уни иложи борича тезроқ ечиш учун вазирдан маслаҳат сўради. Ўзи раҳбар бўлган тармоққа тегишли аллақандай «кичкинагина» бир муаммо юзасидан шундай улкан раҳбар маслаҳат сўраётганидан боши осмонга етган вазир бу гаплардан озгина бўлса-да бохабарлигини айтиб, маҳсулот ишлаш учун корхонага қўшимча ҳуқуқ беришга яқин кунларда ижозат бўлишини билдирди ва пахта заводи масаласида қўшни республика раҳбариятини кўндиришни ўз зиммасига олди.

Шу бўлди-ю, Аббос Сайдуллаевнинг ташвишлари ўн карра ортиб кетди. У ўзи тўплаган материал ва рақамларини, ҳисоботнома-ю тушуниб, суҳбатдошига қардошларимиз билан яқинда чегарадаги ҳудудларни белгилаш ишида унинг алоҳида тадбиркорлик кўрсатганини эслатди ва бу масалани ечиш учун ҳам эҳтимол шундай бир йўл топишга умид билдирди.

— Майли, одамларга айтаман. Бироқ-бир ечимини топамиз, — деди Рашидов қўли билан директорга ўтириш учун имо қиларкан.

Тасодифан юз берган бу учрашув ва суҳбатдан Аббос Сайдуллаев ўзида йўқ хурсанд эди. Чунки, мана неча йилдирки, у мазкур масала устида бош қотириб келар, қанчадан-қанча ҳаракатлари зое кетмоқда эди. У ўз ҳамкасблари билан биргаликда ўша девор-дармиён қўшни завод биносини фабрика учун олиш, унинг ҳисобига корхонани ҳийла кенгайтириб, жунни шу ерда ювадиган, тароқлаб ажратадиган, сўнгра ундан ип йигирадиган қўшимча цехлар қуриш, бунинг қандай нақд натижалар бериши тўғрисида ўнлаб вариантлардаги ҳисоб-китобларни ишлаб чиққан эди. Бу тўғридаги не-не илтимоснома-ю, талабномалар жумҳурият ҳамда Иттифоқ вазирликларининг бошқарма-ю бўлимларида, район ва вилоят идораларида йиллаб ётарди.

УЧРАШУВНИНГ эртаси куни саҳарда директор цехларни айланиб юрар экан, идора ходимаси унинг ёнига ҳансираганча чопиб келди.

— Сизни вазир зудлик билан телефонга чақиряпти, — деди у шошма-пошма.

— Сайдуллаев, ҳамма вақт бир балони бошлаб юрадиган бўлдингиз-да, — деди жумҳурият енгил саноат вазири директорнинг саломига алик олишни ҳам унутиб. — Яна нима қилиб қўйдингиз, ўзи?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди Сайдуллаев. — Кеча...

— Қўйинг, қўйинг, — унинг гапини бўлди вазир.— Ҳозироқ етиб келинг. Мени ЦЕКАнинг секретари чақиряпти, у билан иккаламиз соат ўнда фабрикангиз масаласида каттанинг олдига чақирилганмиз. Тез етиб келинг, шу ерда гаплашамиз.

Шароф Рашидов Марказқўмнинг саноат бўйича котиби ва енгил саноат вазири билан Келес жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикасига тегишли, кеча корхона лойиҳаларни кўтариб бир куни жумҳурият идораларига чопса, келаси ҳафта Москвага, ундан Олма-отага, яна бошқа жойларга равона бўларди. Бир неча йиллик саъй-ҳаракатлар туфайли Иттифоқ вазирлигининг рухсати билан пахта заводи тўлалигича фабрикага балансма-баланс ўтказилди. Шундан кейин яна фабрикани қуриш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 18 миллион сўм маблағ ажратиш режалаштирилган эди.

Аммо...

Сайдуллаев ўшанда фабрикага директорлик қилаётганига энди ўн уч йил бўлаётган эди. У ана шу йиллар давомида фақат ишни ўйлади, қандай қилиб тармоқда «донғи кетган» корхонани қолоқлик ботқоғидан олиб чиқишни, бу ерда фидокорлик билан меҳнат қилувчи кишиларнинг косасини сал бўлса-да оқартиришни, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, иложи бўлса бу ерда чиқарилаётган маҳсулотдан ўз халқига кўпроқ наф етказишни кўзлаб, шўнинг устида бош қотирди. Кечани кеча, кундузни кундуз демади. Ҳафтадаги кунларнинг унинг учун фарқи йўқ эди, санаторий нима-ю курорт нималиги унинг ҳаёл кўчасидан ҳам ўтмас эди...

Лекин бу дунёда, унинг ҳам ғанимлари, ҳасадгўйлари бор экан. Улар ниҳоятда сергаклик, ҳушёрлик билан директорнинг ҳар бир қадамини тинмай кузатиб келишар, бу қадамнинг у ёқ-бу ёққа сира чалғимаётганидан хуноб бўлишиб, ич-этларини тимдалашаётган экан. Бутун Ўзбекистон бўйлаб ҳали айтганимиз бўронлар авжга минган чоғда ўша «ҳайрихоҳ» жаноблар пайт келганда отиб қол дея турли идораларга А. Сайдуллаев устидан «юмалоқ хат»ларни кетмакет ирғита бошлашди. Айни шундай ҳаракатлар туфайли неча йиллаб Тошкент райони учун жон фидо айлаб меҳнат қилган раҳбар Ю. Толипов бошқа районга юборилди. Ҳужум навбати Шароф Рашидовнинг «одами», собиқ секретарнинг «дум»ларидан бири сифатида фабрика директори Аббос Сайдуллаевга етди. Корхонада текшир-текшир авжига чиқди.

Лекин ҳар хил даражадаги тафтишчилар турли усуллар орқали текширувлар ўтказса-да, саккиз-тўққиз ой деганда ҳам корхона фаолиятидан, унинг директори амалиётидан бирон-бир ишкалнинг учи ҳам топилмас, «юмалоқ» хатларда дунёга жар солиниб, эълон қилинаётган турфа ўғирликлару жиноятлар гўёки Ойдаги ёки Зуҳродаги шунга ўхшаш турдош бир корхонада содир бўлаётган бўлиши эҳтимол эди.

Райкомдагилар фабрикага кун ора ташриф буюришар, улар кунига бир неча марталаб ўтказилиши одат тусига кирган мажлису йиғилишларда директорнинг катта жиноий ишларга қўл ургани, бу нарса бугун бўлмаса, эртага, албатта, очилажаги ҳақида оғиз кўпиртиришиб, ўз раҳбарларининг «сир»ларини билиб турса-да халқдан, партиядан яшираётган «директор шериклари»га адолат, албатта, тантана қилишини айтиб, таҳдид қилишарди.

Бироқ тафтишчи-ю, комиссияларнинг неча ойлик «сермазмун» ва «сержило» фаолияти ҳеч қандай натижа бермади. Охири бўлмагач, ғанимлар синалавериб сийқаси чиқиб кетган усулга ўтишди. Яъни, Аббос Сайдуллаев ҳам шу йилларда оддий бир жонли фуқаро сифатида «ғоят оғир, кечириб бўлмайдиган жиноят»га қўл урган: енгил автомашиналар ҳатто насияга сотилаётган бир пайтда бола-чақасини, бозор-ўчарни ўйлаб, ўша темир аравадан бирини ҳарид қилган эди. Сўнгра оиласининг катталиги, серфарзандлиги сабабли (ўн бир фарзанди бор) даврларнинг эмас, қонуний асосда ажратилган ерга эл қатори бир иморат солган эди.

Бундай оғир, «мудҳиш» жиноятларга барҳам бериш мақсадида Тошкент район партия қўмитаси бюроси масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиб, ўз вақтида шундай қарор қабул қилади: «Хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ўз шахсий манфаатини ўйлаб енгил автомашина, ер участкаси олганлиги ва шахсий уй қурганлиги, иш фаолиятидаги жиддий камчиликлари учун Келес жунни дастлабки ишлаш фабрикасининг директори А. Р. Сайдуллаев КПСС сафидан ўчирилсин ва ишдан олинсин». Мазкур «тарихий» қарор 1984 йил 25 июлда қабул қилинади. Жумҳурият енгил саноат вазирлиги эса 1984 йил 20 июлда «район партия қўмитаси бюросининг қарори»га мувофиқ А. Сайдуллаевни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқни имзолайди.

Азиз ўқувчи, бу ерда муаллиф саналарни чалкаштириб юборди-ку, деб ўйламанг тағин. Аслида худди шундай воқеа юз берган. Кўряпсизми, ўша машъум йиллари инсон тақдирига муносабат деган нарсанинг нақадар топталганини! Бутун бошли бир тармоқ мутасаддисига кимдир телефон гўшагини кўтариб, «биз фалон куни фалончи деган кадрингизнинг шахсий масаласини кўрдик ва ишдан бўшатдик», дейиши ҳамоно бу хабарни ҳатто текшириб ҳам ўтирмай, шу соҳада, шу корхонада ўн йиллаб фидокорлик билан меҳнат қилган, бутун орзу-умидларини, тақдирини севган касбига, ишига, вазифасига бахшида этган бир инсоннинг тақдири ҳал қилиб юборилаверди. Бутун Ўзбекистонимиз бўйлаб оладиган бўлсак, эҳ-ҳе, бундай тақдирлар сони қанчага етаркин? Улар ёнида, атрофида, орқасида турган қоракўзлар тақдири-чи?

ШУНДАЙ қилиб... Ҳа, худди шундай, азиз мушғарий, шундай қилиб, Аббос Сайдуллаев ишдан ҳайдалди, яқин-атрофдаги кишилар, унинг ҳимояси учун бир нарса деб оғиз очишга ҳадди сиққан кимки бўлса, барчаси қувғинга учради. Собиқ директор ўзининг ҳақлигини, туҳмат балосига йўлиққанлигини, тўғри ишлаб, ҳалол яшаганини исбот этмоқ, айбсизлигини кўрсатмоқ учун бормаган жойи, учрамаган одами қолмади. Фабриканинг ишчилари ҳам А. Сайдуллаевни ҳимоя қилишиб, Тошкент обкомига, Ўзбекистон Марказқўмига бир неча бор боришган. Афсуски, улар борган эшиклар тақа-тақ ёпилаверган. Аббос ака оз эмас, кўп эмас, олти ярим йил мобайнида Тошкенту Москвадаги ўнлаб, юзлаб идораю маҳкамаларнинг остонасига бош урди, не бир даражадаги арбобларга кўнглини ёрди, дардига малҳам излади. Лекин қанча йўл боссада, қоп-қоронғи ғор ичра йилт этган ғиришира шуъла кўринмас, туйнук топилмас эди. Сарсон-саргардонликлардан саломатлик емирилди. Муштипар она ҳам фарзанди тортаётган мусибатлар дардидан адо бўлиб, бу дунёдан кўзи очиқ, армонда кетди. Онаси вафотидан кейин ўзига докторлар иккинчи гуруҳ ногирони бўлибсиз дея ҳукм чиқаришди. Бироқ у ҳали ҳам адолат қарор топишига умид қилар, шу ниятда янги сайланган депутатларга, янги тайинланган раҳбарларга учраб, улардан оқни оқ, қорани қора қилиб беришларини илтимос қилар эди.

Ниҳоят, 1990 йилнинг охирларида республика прокурори А. Сайдуллаевнинг ўз лавозимидан мавжуд қонунларга зид равишда четлатилганини ажрим қилиб берди. Вазирлик 1991 йил 6 мартда Аббос Сайдуллаевни бундан етти йил муқаддам ноўрин бўшатилган вазифасига қайта тиклаш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Мана, ҳадемай орадан яна бир йил ўтди. Бу бир йиллик муддат Аббос ака Сайдуллаев учун, фабрика жамоаси учун ўзига хос бир мазмунга эга. Чунки ўтган йиллар мобайнида А. Сайдуллаев фақат эгилган ҳақиқатни тузатиш, ўзининг шахсий оилавий ташвишини ҳал қилиб олиш орқасидан югурмади. У шу йиллари ўзи учун қадрдон, жонажон бўлиб қолган корхонанинг йилдан-йилга, ойдан-ойга тобора чўкиб бораётганини, ўзи ва маслакдошлари не меҳнатлар билан тиклаган девору устунларнинг емирилиб, адо бўлаётганлигини, онгли умрининг қариб барисини шу даргоҳда ўтказиб келаётган не-не ажойиб ҳунар эгалари, тадбиркор ва ишбилармон усталарнинг кетма-кет қувғинга учраётганини кўриб, эзилиб юрар эди. Бир пайтлар унинг ташаббуси билан бошланган хат бошида айтиб ўтганимиз хайрли ишу тадбирлар эса аллақачон йўққа чиқарилган, ўн йиллар давомида ортдирилган бойликлару хазиналар талон-торож қилиб улгурилган эди.

Аббос ака Сайдуллаев энди ўзини зўрлаб бўлса-да, олдинги пайтлардаги ғайратшижоатли дамларини хотирга олиб, астойдил меҳнат қилди, қийинчиликлардан ҳайиқмади. Бадарға қилинган кишиларни қайтарди, боши эгилган, қадди букилган ҳамкасбларининг кўнглини кўтарди, ғайратини, ғурурини қўзғади. Натижада тўққиз ой деганда жамоа яна қаддини ростлаб, корхона эски шарафини қайта тиклади. Ўтган йил топшириқлари анча ошириб бажарилди, 180 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 80 миллион сўмга яқин фойда олинди. Корхонада ишловчиларнинг меҳнат ҳақи ўртача ойига икки минг сўмга яқинлашиб қолди. Ҳар хил ижтимоий тўловлар, ҳайриялар яна одат тусини ола бошлади.

Аббос ака айни шу кунларда ниҳоятда ғайратга минган. У 380 миллион сўмлик янги замонавий фабрика қурилишига астойдил киришган. Фабриканинг лойиҳа ишлари тасдиқланган, қурилиш ҳам ҳадемай бошланади.

Тўрабек ИСКАНДАРОВ.

• *Янги тўплам* **«ШАРҚШУНОСЛИК»**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қарорига биноан «Шарқшунослик» тўплами 1990 йилдан буён нашр этиб келинятти. Тўплам Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошида таъсис этилган бўлса-да, унда республикамизнинг барча шарқшунос олимлари қатнашиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда шарқшуносликнинг илмий йўналиши ва ривожланиш тарихи XIX асрнинг 70-йилларидан бошланган. Ўша пайтда бу соҳадаги дастлабки қадам Шарқ қўлёзма ва тошбосма китобларини (асосан араб ёзувида) бир жойга йиғишдан иборат бўлган. Айни вақтда тўпланган китоблар асосида Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё халқлари маданий меросини илмий асосда ўрганиш ишлари ҳам олиб борилган. Умуман, Ўзбекистонда шарқшунослик тарихини ўрганиш кенг мавзудир. Тўплам институтда тайёрланаётганлиги муносабати билан унинг биринчи сонида Ўзбекистонда шарқшуносликнинг тараққий этишига катта ҳисса қўшган ана шу илм даргоҳи ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган.

Бугунги кунда институтда 40 минг асарни ўз ичига олган 18 минг жилд қўлёзма китоб, Ўрта Осиё хонликларининг бир неча ўн минг ҳужжати, XIV ва XX асрларга оид вақфномалар, ёрлиқлар, 30 мингдан ортиқ тошбосма китоблар сақланмоқда. Илмгоҳ кутубхонаси жаҳондаги шу йўналишдаги энг бой кутубхоналардан бири. Бу рақамлар аҳолидан китоблар сотиб олиш ҳисобига тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда институт иккита йирик йўналиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётир. Улардан биринчиси мамлакатларидаги муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволи, ҳаракатлар тарихи ва ҳозирги жараёни, ишчилар аҳволи ва курашини, республикамизнинг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигини, улардаги адабий фаолиятни ҳам ўрганмоқдалар. Шунинг учун ҳам илм маскани шарқ ёзма меросини ўрганишдаги сермаҳсул хизмати учун 1981 йили биринчи бўлиб «Новости» матбуот агентлиги таъсис этган Ибн Сино номидаги мукофотни олишга сазовор бўлди.

«Шарқшунослик»нинг дастлабки сонларида Қ. Мунировнинг «Қўлёзма асарлар хазинаси», У. Каримовнинг «Ибн Синога табобатдан дарс берган олим», И. Абдуллаевнинг «ас-Саолибий ҳақида янги маълумотлар», А. Ирисовнинг «Минг бир кеча» тарихига доир» мақолалари ёритилган. Тўпламда маданий алоқалар тарихига, ахборотларга, ҳужжатларга ва замонавий масалаларга оид мақолаларга кенг ўрин берилган.

« Шарқшунослик» тўпламининг 2-сони янада қизиқарли ва мундарижаси бой. Унда А. Аҳмедов, Ш. Бобохонов, П. Булгаков, Х. Алиқулов, Б. Шарипов, Ғ. Жўраев ва бошқаларнинг турли манбаларни ўрганиш борасида изланишларини ўқишингиз мумкин. «Маданий алоқалар тарихидан» рукни остида эса «Ўрта Осиё ва Туркия муносабатлари» ҳақида Р. Жалилованинг «Рашидуддин ал-Ботвот ҳақида». У. Уватовнинг ва бошқаларнинг мақолалари билан танишасиз.

Тўплам таҳрир ҳайъати «Шарқшунослик»нинг ҳар бир сонини янада қизиқарли ва ўқимишли қилиш учун изланмоқда.

М. ПИРМАТОВ.

БУРЧИМИЗ

Халқимиз ажойиб айём — Наврўз байрамини, ийд-Рамазонни алоҳида, кўтаринки руҳда нишонлади. Бу байрамлар— мустақил юртимизнинг истиқлол йўлидаги дастлабки улуғ байрамлари бўлди. Бундай айём чоғи киши энг эзгу ишларни ўйлайди, энг пок ниятларни дилга тугади. Гарчи камчиликнинг ҳаётида ҳам не-не сурону ғалаёнлар кечиб ўтган бўлса-да, лекин бугун биз фақат хайрли ишларни, тадбирларни кўзлаганмиз. Жонажон юртимизнинг мустақиллик пойдеворини тиклаш учун, уни иложи борича мустаҳкамлаш учун бор куч-қувватимизни, ғайрат-шижоатимизни аямаймиз.

Айниқса, республикамиз Президентининг мен сингари бир пайтлар ноҳақ жабр кўрган, азият чекиб юзлаб кишилар учун, уларнинг оилалари учун кўрсатаётган ғамхўрлиги ғоят таҳсинга лойиқ. Бундай ғамхўрлик, инсонпарварлик, адолатпарварликка астойдил ғайрат-шижоат, хайрли ишу тадбирлар билан жавоб бермоқ юртимиздаги ҳар бир меҳнатчининг ватанпарварлик бурчидир.

Аббос САЙДУЛЛАЕВ,
Келес жунни дастлабки қайта ишлаш фабрикаси директори.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 72

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.